Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
27 ОКТЯБРЬ 1970 й
СЕШАНБА
№ 254 (6123).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ОЛМАЛИҚ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

«Средазэнергоцветмет» корхонасининг коллективи республикамиз пахта заводлари учун қуритиш агрегатлари ишлаб чиқариш билан бирга, областлардаги саноат корхоналарига ҳам дўстлик ёрдамларини кўрсатмоқда. Масалан, корхонанинг олтмишдан ортиқ малакали ишчилари Олмалиқ шаҳридаги корхоналарнинг хизматини адо этмоқда.

Шу шаҳардаги кон металлургия заводида металларни кислород ёрдамида эритадиган қозон қуриб берилиши керак эди. Қирқ кунга мўлжалланган иш зарбдорларча меҳнат натижасида ярим муддатда бажарилди. Заводда янги марқали қозон ўрнатилди.

Корхона ишчиларининг кўплари 2-«Пскент» совхозида. Еттисой совхозининг тўртинчи бўлимида пахтакорларга ҳосилни йиғиб-териб олишда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Завод механизатори Виктор Матюхин тўртинчи бўлим механизаторлари билан ёнма-ён туриб «зангори кема»да «оқ олтин» термоқда.

ТЕЖАМКОРЛИК — БОЙЛИК

Тежамкорлик бор жойда ишнинг унуми юксак, ҳамма нарса бут, кўзланган мақсадга эрта етилади.

Буни «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг коллективи амалга ошираётган ишлардан ҳам кўриш мумкин.

— Бу соҳада қилаётган ҳаракатларимиз ҳеч кетмаяпти, — дейди биз билан суҳбатда фирма директори Г. Йўлдошева. — Натижалар жуда яхши. Мана бир неча кундирки, коллективимиз 1971 йил ҳисобига ишлаяпти. Беш йиллик давомида салкам 70 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва сотилди. Эски ускуналар ўрнини 440 та, янги юқори иш унумли асбоб-ускуналар эгаллади. Айниқса, тежамкорликда эришилган ютуқлар баракали бўлди. Бунда, албатта, ихтирочи ва рационализаторларнинг ҳиссаси каттадир.

Бу ҳақда рационализаторлар ва ихтирочилар бюросининг инженери М. Содиқова билан суҳбатлашдик.

— Фирмамиз рационализаторлар ва ихтирочилар бюросининг коллективи ишлаб чиқаришга янги технологияни жорий қилиш, янги-янги ихтирочилик таклифларини кашф этиш, техникага оид бюллетенлар ҳамда ахборотлар чиқариб туриш, инженер-техник ходимлар ва ишчиларнинг малакасини оширишда катта ишларни амалга оширмоқда.

Шу йили ишлаб чиқариш мастерларининг курси ўтказилди. Инженер-техник ходимлардан беш киши малакасини оширди. Тўқув цехида ишловчи мастер ёрдамчилари ва ишчилардан саксон киши қайта малакасини оширди. Шунинг натижасида, меҳнат унумдорлиги тубдан ўзгарди. Ўтган ярим йил ичида корхонамизда ўн етти рационализаторлик таклифи ишлаб чиқилиб, ундан келадиган фойда тўққиз минг уч юз йигирма саккиз сўмни ташкил этди.

Илғор рационализаторлардан Носов, Абдуазимов, Корнеев, Зайцев, Барановский, Сандазимов, Ҳидоятов, Меламед ва бошқаларнинг рационализаторлик таклифлари корхонага, айниқса, катта фойда келтирмоқда. Шунингдек, уларнинг янгиликлари туфайли, ишлаб чиқаришда қўл меҳнати механизация қилинмоқда ҳамда ишлаб чиқариш жараёни тезлашяпти.

Биргина Розенштейн ва Меламедлар томонидан таклиф қилинган коробкалар тайёрлаш цехини ташкил қилиш ҳақидаги янгиликлари ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида, йилига 3883 сўм соф фойда олиняпти. Бу янгилик туфайли, фирма ортиқча ҳаражатлардан қутулди ҳамда бир неча ишчини бошқа зарур участкаларга ўтказди. Ҳозир бу цехларда қутичалар тайёрлаш фақат икки киши томонидан бажарилляпти.

Фирма коллективининг юбилей йили тежамкорлик соҳасидаги режалари чакки эмас. Сўнгги ўн ойлик план топшириқлари ортиғи билан бажарилиб, бир неча минг сўмлик хом ашё ва электр қуввати тежаб қолинди.

Улар юбилей йилида икки ярим тонна тўқув ипи, уч минг метр ипакли ва ярим ипакли газлама, 65 минг киловатт-соат электр энергияси, рационализаторлик таклифларидан йигирма уч минг сўмлик фойда олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

БЕШ ЙИЛЛИК МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЭЛГА СОВҒА

МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ МУДДАТИДАН ИККИ ЯРИМ ОЙ ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ! ЙИЛ ОХИРИГАЧА ПЛАНГА ҚЎШИМЧА ТАЙЁРЛАНАДИГАН БИР МИЛЛИОН ТЎРТ ЮЗ ЭЛЛИК МИНГ СЎМЛИК БУЮМЛАР ПАРТИЯМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ СЪЕЗДИГА ТУҲФАМИЗДИР!

«Сувенир» фабрикасининг коллективи имзо чеккан галаба рапортида ана шу сўзлар қайд қилинган.

Элга совға яратувчилар беш йиллик мобайнида 28 миллион 612 минг сўмлик буюм ишлаб чиқардилар ва реализация қилдилар. Буюмларнинг йигирма тўрт номда янги хилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Фабриканинг қуввати янги замонавий техникалар ҳамда илғор технологияни жорий этиш ҳисобига ортди. Бу ерда буюмларни қуритадиган ва дазмоллайдиган ускуна ўрнатилди. Шунингдек, хотин-қизлар тақинчоқларини тўқийдиган станок ишга туширилди.

Фабрика коллективи шу кунларда Самарқандниг 2500 йиллик юбилейига атаб газ ва шойи рўмоллар ёғочдан ишланган қаламдон, заранг, графин ва қадаҳ, тошдан ишланган «Гўри Амир», «Регистон», «Шоҳи Зинда»* мақбараларининг миниатюра шаклларини ва бошқа хил кўплаб совға буюмлари ишлаб чиқармоқда.

Корхонада ўттиздан ортиқ ишчи беш йиллик шахсий топшириғини бажарди. Коллектив юбилей йили план топшириқларини СССР Конституцияси кунига бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб юборди.

ИЛҒОРЛАР САФИДА

Ёғ-мой комбинатининг коллективи ишлаб чиқаришда муҳим кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Ўн ойлик план муддатидан олдин бажарилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 53 йиллиги шарафига ой охиригача 650 минг сўмлик маҳсулот етказиб беришга қарор қилинди.

Партиянинг навбатдаги съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада маргарин цехи, синтетик ва кир ювиш порошоклари заводи олдинги сафда бормоқда. Бунда бригада бошлиғи Е. Прохоров, М. Тбрина, В. Макушин сингари илғорларнинг ҳиммати баланд бўляпти.

* * *

1-мебель фабрикасининг коллективи ой охиригача планга қўшимча 155 минг сўмликдан зиёд буюм етказиб беришга аҳд қилди.

2-автомобиль ремонти заводининг механизда эришаётган ютуқлари қувончли бўляпти. Ремонтчилар октябрь ойи топшириқларига қўшимча 35 минг сўмлик автомобиль деталлари, 30 минг сўмлик ностандарт ускуналар етказиб бериш, планга қўшимча иккита автобусни капитал ремонтдан чиқариш, 90 минг сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилишга сўз бердилар.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА





Тошкент электр машинасозлик заводида ТД—500 маркали янги пертатив пайвандлаш трансформаторларини оммавий равишда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қатор афзалликларга эга бўлган бу янги пайвандлаш трансформаторларини мамлакатимиздаги кўпгина қурилишларда муваффақият билан ишлатиш мумкин.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг тажрибали созловчиси Александр Кузнецов навбатдаги янги трансформаторни созламоқда. Зарбдор йигувчи-слесарлардан мастер Владимир Ким билан слесарь Саша Богданов бош конвейерда янги трансформаторларни йиғиш жараёнида.

М. Нуриддинов фотолари.

Илмий-техника конференцияси

Политехника институтининг мажлислар залида бўлиб ўтган республика бешинчи илмий-техника конференцияси «Машинасозликни автоматлаштиришдаги изланишлар»га бағишланди. Конференция ишида юзга яқин инженер-техник, олим ва саноат ишлаб чиқаришининг мутахассислари иштирок этдилар.

Машинасозлик бўйича илмий-техника жамияти Узбекистон республикаси правлениесининг раиси, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г. А. Кошевников конференцияда «Узбекистонда машинасозликни автоматлаштириш борасидаги вазифалар» деган мавзуда сўзлади.

Машинасозлик бўйича Давлат лойиҳалаш конструкторлик техника бюросининг, Москва, Ростов-Дон ва бошқа шаҳарлардан келган мутахассисларнинг докладлари ҳам зўр қизиқиш уйғотди.

Конференция қатнашчилари Узбекистон ССР Давлат план Комитетининг илмий-техника ахборот ва пропаганда институтида бўлиб, Узбекистонда машинасозликни автоматлаштиришга қаратилган адабиётлар ва патент фонди кўргазмасини кўздан кечирдилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ «Правда» газетасининг 26 октябрь сонидаги «Пахтакорларнинг шарафли бурчи» сарлавҳали бош мақоласи кўчириб босилган.

◆ Кеча Ватанимиз пойтахти Москва визит билан келган Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал бошчилигидаги Монголия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясини қардошларча, илиқ ва самимий кутиб олди.

◆ СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан хизмат вазифасини адо этиш вақтида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун граждан авиацияси Сухуми аэропортининг «АН-24» самолёти бортпроводниги Надежда Владимировна Курченко Қизил Байроқ орден билан мукофотланди.

◆ Сирдарё области пахтакорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари область пахтакорларни номидан янги оширилган мажбурият олдилар. Улар йилпи ҳосилни 600 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

ПОЙТАХТ УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошкент меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари, умумхалқ байрами— Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 53 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқда. Заводлар, қурилиш ташкилотлари янги меҳнат ғалабалари ҳақида, беш йилликни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортларини бермоқдалар.

БУГУН

шаҳар партия комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 53 йиллик байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг 7 ноябрда В. И. Ленин номидаги майдонда бўладиган намойишини ташкил қилиш, шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский нутқ сўзладн.

Тошкент меҳнаткашлари ҳарни байрамга безаш масалалари муҳокама қилинди. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг бошқармаларн раҳбарларн шаҳарни ободонлаштириш қандай бораётганлиги, байрам арафасида ва байрам кунлари савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарн шаҳар аҳолисига қандай хизмат кўрсатиш ҳақида гапирдилар. Байрам арафасида Чилонзор, Черданцев массивларида, М-6, Г-9 кварталларида, Студентлар шаҳарчасида ва бошқа жойларда янги магазинлар ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилади. 7 ва 8 ноябрда шаҳарнинг майдонларн, боғларида оммавий сайллар бўлади.

Комиссия мажлисида шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский нутқ сўзладн.

БАЙРАМ СОВҒАСИ

Шаҳар савдо бошқармаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 53 йиллиги байрами арафасида аҳолига бир неча хил совғалар ҳозирламоқда.

БУГУН

Чилонзор массивининг 9-Г кварталида ўзўзига хизмат кўрсатадиган саноат моллари магазинини жиҳозлашга киришилди.

Бу ерда кийим-кечак ва турли хил газламалар харидорлар диққатига ҳавола қилинади. Шунингдек, «Марказ-5» кварталидаги янги савдо марказида катта озиқ-овқат магазинини очишга тараддуд кўрилмоқда.

Янги магазинлар байрам арафасида очилиб, улар янги келтирилган ранг-баранг моллар билан таъминланади.

Чеварлар ҳиммати

3-тикувчилик фабрикасининг чеварлари республикамизнинг 4 миллион 400 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига эллик тонна пахта тўкдилар. Улар Сирдарё область, Еттисой районидаги «Коммунизм тонги» қишлоқ хўжалик артелида бир ойдан буён пахтакорларга ёрдам бериш-



«Узбексельмаш» заводининг машинасозлари яқинда «ПХН» маркали янги машиналарни кўплаб ишлаб чиқаришга киришдилар. Бу янги техника тўкилган пахтани териб олишга мослаштирилган бўлиб ҳозирги пахта йиғим-терим даврида пахтакорларга катта ёрдам кўрсата бошлади.

СУРАТДА: «ПХН» маркали янги машина.

мокда. Тикувчилар шу кунларда Самарқандниг 2500 йиллик юбилейига атаб газ ва шойи рўмоллар ёғочдан ишланган қаламдон, заранг, графин ва қадаҳ, тошдан ишланган «Гўри Амир», «Регистон», «Шоҳи Зинда»* мақбараларининг миниатюра шаклларини ва бошқа хил кўплаб совға буюмлари ишлаб чиқармоқда.

Корхонада ўттиздан ортиқ ишчи беш йиллик шахсий топшириғини бажарди. Коллектив юбилей йили план топшириқларини СССР Конституцияси кунига бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб юборди.

ШИФОКОРЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими пойтахт ва Сирдарё областларида «оқ олтин» тераётган деҳқон ва ҳашарчиларга медицина ёрдами кўрсатиш тадбирларини ишлаб чиққан эди. Мана, бир ойдан кўпроқ вақтдан буён, бўлимнинг автобазасидан 40 та «УАЗ» автомашинасида шифокорлар кумуш далаларда ҳам посбонлик қилишяпти.

БУГУН

АВТОБАЗА ДИРЕКТОРИ Т. ТОЛИПОВНИНГ РЕДАКЦИЯГА ХАБАР БЕРИШИЧА, ЧЎЛҚУВАРЛАР ОБЛАСТИНИНГ 18 ТА СОВХОЗИГА ШИФОКОРЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ ЙЎЛ ОЛИШДИ.

Ҳар бир санитария машинасида 5-6 та шифокор бўлиб, улар пахтакорларга медицина ёрдами кўрсатишади.

Яқинда эса, 20 дан ортиқ машинада саломатлик посбонлари пойтахт областининг Бўка, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон ва бошқа районларига жўнаб кетишган эди.

Педагог-теримчилар

Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳозирги кундаги фикри-зикри Ўзбекистон фахри — тўрт миллион тўрт юз минг тонналик улкан пахта хирмонини тезроқ бунёд этишга қаратилган.

Шаҳар меҳнаткашлари қизғин ишдан сўнг, ҳар шанба ва якшанба кунлари дала меҳнаткашларига пахта йиғим-теримида катта ёрдам бермоқдалар.

Пахта йиғим-терими-да жонбозлик қилаётган Киров район 12-мактаб педагоглари Бўка районидаги 1-«Пскент» совхозида 500-600 килограммдан «оқ олтин» дурдонасини топшириб, ҳаммага ибрат бўлмоқдалар. 80-90 килограммдан пахта топшираётган теримчи ўқитувчилар С. Иброҳимов, С. Мақсудов, С. Султонов, ёшлардан У. Назиров, А. Носиров ва бошқалар теримда пешқадамлик қилмоқдалар.

Тошкентликлар ҳиссаси

* *Қишлоқ — шаҳарга*

МАҲСУЛОТ ЖЎНАТИШ ҚИЗҒИН

Оржоникидзе район матлубот жамиятига қарашли маҳсулот қабул қилиш ва қайта ишлаш идорасининг ишчи-хизматчилари беш йилликнинг сўнгги йили топшириғини ортиғи билан адо этдилар. Идора маҳсулот қабул қилиш пунктлари шу кунгача хўжаликлардан 6610 ўрнига 16748 тонна сабзавот маҳсулотлари қабул қилиб олди ва шаҳарликларга тортиқ қилди.

— Йиллик планимизни муддатидан илгари бажаришимизда, — дейди идора директори Ж. Усмонов, — районидаги «Қизил Ўзбекистон», Ленин номли, «Октябрь» колхози сабзаводчиларининг ҳиммати катта бўлди.

Шу кунларда маҳсулот қабул қилиш ва шаҳарликларга жўнатиш қизғин давом этмоқда.

ФАКУЛЬТЕТ ЎН ЁШДА

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети ҳузурида ишлаб турган чет эллик студентларни ўқишга тайёрлов факультети очилганига 10 йил бўлди.

Факультетда Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги 25 мамлакатдан келган йигит-қизлар малака оширадилар. Бу йил уни тамомлаган ёшлар Москва, Ленинград, Киев, Минск ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртларига қабул қилинадилар. Улар ўрни эса янги талабалар билан тўлдирилди. Биргина қаҳрамон Вьетнамдан 150 йигит-қиз факультетда ўқияпти.

* Янги фильм

«КОЛХОЗ ҲАЁТИ»

Тошкент ҳужжатли ва хроникал фильмлар студиясининг бир группа ходимлари Андижон область Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозида А. Абдуллаев сценарийси асосида «Колхоз ҳаёти» фильмини суратга олишяпти. Киносъёмкачилар группасига СССР халқ артисти Ҳамза мукофоти лауреати, атоқли кинорежиссёр Малик Қаюмов раҳбарлик қилмоқда. Фильмнинг режиссёри Эдуард Хачатуров, оператор Асқар Шомаҳмудов.

Фильмда социалистик колхоз ҳаёти, пахтачиликни етиштириш сирлари ва колхоз боғбонлари ҳамда уларнинг ҳаёти тасвирланади. Фильм қаҳрамонлари—«Ленинград» колхози раиси Холмамат Жўраев ва унинг отаси Жўра полвондир. Уларнинг ҳаётини тасвирлаш орқали колхоз фаолияти кенг ҳикоя қилинади.

* Янги китоблар

Ф. ХЎЖАЕВНИНГ ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИ

«Фан» нашриёти Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси Ф. Хўжаев танланган асарларининг (уч томлик) биринчи томини нашрдан чиқарди. Бунга докладлар, мақолалар, архив материаллари киритилган.

Танланган асарларни нашр этиш ишларини Ўзбекистон Компартиясининг партия тарихи институти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ ҳамда тарих институтлари олимлари олиб боришмоқда.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Бомбей тўқимачиларининг ғалабаси

ДЕҲЛИ, Бомбайдаги тўқимачилик фабрикасининг 175 минг ишчиси ўтказаётган забастовка ишчиларнинг ғалабаси билан тугади. Ҳиндистон ахборот бошқармасининг хабарида айтилишича, Бомбайда фабрика хўжайинлари уюшмаси билан тўқимачилар касаба союз ўртасида тузилган битим имзоланди. Шу битимга мувофиқ ишчиларнинг иш ҳақи анча оширилади.

(ТАСС).

КАНАДА ЁШЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ОТТАВА. (ТАСС). Торонтода ёшлар газетаси «Янги уоркер» («Ёш ишчи»)нинг биринчи сони чиқди. Янги газетанинг нашр қилиниши муносабати билан газетада Канада Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий ижроия Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал бошчилигидаги Монголия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясини қардошларча, илиқ ва самимий кутиб олди.

Ватанпарварлар ҳужум қилмоқдалар

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги Озодлик матбуот агентлигининг маълумотларига асосланиб, қуйидагиларни хабар қилади: Жанубий Вьетнам халқ Озодлик қуролли кучларининг Меконг дарёси дельтасининг ғарбий қисмида ҳаракат қилаётган отрядлари шу йил сентябрь ойида душманнинг 7800 дан ортиқ солдат ва офицерини сафдан чиқардилар. Ватанпарварлар шу вақт ичида 45 самолётни уриб туширдилар, 30 ҳарбий омборни сув остида қолдирдилар ёки ёндирдилар юбордилар, 17 тўп ва оғир миномётларни яксон қилдилар ҳамда душманнинг кўп миқдордаги ҳарбий анжомларини ўлжа олдилар.

*Партия ташкилотларида хисобот-сайлов йиғилишлари

КОММУНИСТНИНГ ЎРНИ

Илмий-техника прогресси асосида меҳнат унумдорлигини ошириб бориш, фаннинг сўнгги ютуқлари ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳар бир корхона, қурилиш ташкилоти коллективига зафар келтириши ҳеч кимга сир эмас. Шаҳримиздаги тўртинчи темир-бетон буюмлари заводининг тадбиркор коллективи буни яхши тушунади. Ҳар бир ишлаб чиқариш муассасасида бўлгани каби, бу корхонада ҳам ички резерв ва имкониятлар кўп.

Партия ва ҳукуматимизнинг иқтисод ва тежамкорлик ҳақидаги Хати бу борада завод аҳли учун катта дастур бўлиб хизмат қилмоқда. Корхона партия ташкилотининг тежамкорлик йўлида амалга оширилаётган ишлар устидан доимо назорат қилиб бориши фақат муваффақият келтиряпти.

Корхона коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида юқоридаги мавзуда атрофлича фикр юритилди. Завод партбюроси секретари И. Сизиков ўз докладида корхона коммунистларининг ибратли ишлари тўғрисида батафсил тўхталди. Корхонада, айниқса, муҳим иш жараёнларини механизациялашга катта эътибор билан қаралди. Коллектив ўз кучи билан корхонанинг биринчи цехида бетон қоришмалари тайёрлаб берувчи махсус агрегатни ишга туширди. Партбюро қарори ва коммунистлар ташаббуси билан киритилган бу янгилик туфайли, корхона катта фойда кўрди. Айниқса, корхонадаги арматура цехи ҳамда полигон участкасида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати кескин яхшиланди, меҳнат унумдорлиги эса беқиёс ўсди.

Докладчи ҳам музокарада сўзга чиққан Ю. Гулликов, Э. Почуканец, А. Элькин ўртоқлар корхона коллективи эришаётган ютуқларнинг сабабларини бирма-бир кўрсатиб бердилар. Нотиқлар ютуқларни таъкидлаш билан бирга, заводда ҳанузгача ҳал бўлмаган баъзи-бир проблемаларни кўрсатиб беришди. Мажлис қатнашчилари йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш ҳақида келишиб олдилар. Чунончи, заводдаги баъзибир техника воситаларидан унумли фойдаланилмайди. Айрим механизмлар у ёки бу сабабларга кўра бекор туриб қолади. Бундай кўнгилсиз ҳол асосан техника воситаларини белгиланган вақтларда ремонт қилиниб берилмаслиги оқибатида содир бўлмоқда.

Сўзга чиққан ўртоқлар завод директорининг ўринбосари Е. Почуканец таъминот бўлими бошлиғи П. Селиванов ўртоқлар адресига ҳам кўплаб танқидий фикрлар айтдилар. Уларнинг ўз ишига совуққонлик билан қарашлари туфайли, завод цехларига зарур бўлган материаллар ўз вақтида келтирилмайди. Бу эса қурилиш ташкилотлари томонидан берилган буюртмаларнинг белгиланган муддатларда бажарилмай қолишига салбий таъсир кўрсатяпти. Корхона партия бюроси эса тегишли ўртоқлардан ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб боришни талаб қилмайди.

Завод асосан 159-қурилиш трести бинокорлари бунёд этаётган объектларга зарур материаллар тайёрлаб беради. Шунга қарамасдан, трестнинг ўнинчи, ўн учинчи бошқармалари буюртмаларини ўз вақтида олиб кетмайдилар. Улар учун тайёрланган йиғма темир-бетон конструкциялари корхона территориясида кўплаб туриб қолади, натижада уларнинг сифати бузилади. Бу ҳолнинг юз беришида, қурилиш трести партия комитетидаги ўртоқлар ҳам айбдордирлар.

Корхона халқ назоратчиларининг иши ҳам бугунги талаб даражасида эмас. Халқ контроли группаси иши устидан партбюро етарли назорат ўрнатмаган. Назоратчилар сифатсиз маҳсулот тайёрловчилар, меҳнат интизомини бузувчилар, прогулчиларни яхши биладилар. Аммо уларга қарши шафқатсиз кураш олиб бормайдилар. Партбюро назоратчиларнинг ишчанлигини ошириш, иш фаолиятининг самарали бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилиб бориши зарур. Коммунистлар партия бюросининг янги составига мавжуд камчиликларни тезда тугатиш юзасидан наказ берди.

Завод коллективи партиямиз XXIV съезди шарафига оширилган мажбурият олган. Асосий вазифа беш йиллик иш программасини муддатидан олдин шараф билан бажариш, съездни муносиб кутиб олишдан иборат. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди. Корхона коллективи барча ишларни тадбиркорлик билан ташкил қилиши, ички резервлардан самарали фойдаланиши, тежамкорликда яхши натижаларга эришиши лозим. Партия аъзолари йиғилиш қабул қилган қарорда ҳар бир коммунистни корхона шуҳратига-шуҳрат қўшишга даъват этилади.

К. ҲАМРОЕВ.



Ҳар куни Тошкент абразив комбинати мамлакатимизнинг турли саноат корхоналарига юзлаб абразив маҳсулотлари жўнатади.
СУРАТДА: техника контроли бўлимининг контролёри Неля Ризаева тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечириш жараёнида.
М. Нуриддинов фотоси.

*Бугун трамвай-троллейбус депосида

ҲАР КВАРТАЛДА ИККИТА ВАГОН

Жонажон партиямизнинг XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган 1-трамвай депосининг ремонтчилари юбилей йили топшириқларини бажариш учун кун сайин мусобақаларни авж олдирмоқдалар.

Цехга қачон кирманг, қайноқ иш устидан чиқасиз. Трамвайларнинг нозик қисмларини пайвандлаш, тормоз системаларини ўрнатиш ричагларни тортиш ишлари депонинг тажрибали ремонтчилари томонидан олиб борилади. Пайвандлаш усулларини кўп йиллик меҳнатлари пишиқ ва пухта ишлари билан шонли шуҳрат қозониб келаётган Н. Тяминов, С. Мадусмонов, В. Есюк, И. Корчагинлар олиб борадилар. Улар шу кеча-кундузда смена нормаларини 140-150 процентдан ado этишга муяссар бўлмоқдалар. Улар ҳар кварталда иккита «РВЗ-6» типидаги трамвай вагонини тўла ремонтдан чиқармоқдалар.

2-депонинг ҳар бир коммунисти электр транспортнинг мунтазам ишлаб туришини қондириш учун самарали меҳнат қилишяпти. Моҳир ҳайдовчилар Х. Содиқова, Ғ. Сулаймоновлар бошқарган вагон йўловчиларни кўзлаган манзилларига ўз вақтида элтиб қўймоқда. Буларнинг яна бир хусусиятлари ёш ҳайдовчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда етакчи роль ўйнамоқдалар.

Трамвай вагонларини йўловчилар хизматига ҳозирлашда мастер Қ. Назаров, слесарлар Р. Тўлаганов, С. Ларин каби коммунистлар баракали ишлашяпти. Улар трамвайнинг ҳар бир қисмини пишиқ ва пухта ремонт қилиш билан бирга кундалик ва ойлик планларини муntазам бажариб келмоқдалар. Ҳа, бу коммунистлардан ибрат олса арзийди.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
бошқарманинг «Мотор» газетаси редактори.

*ФАН ДОКТОРЛАРИМИЗ

Ёшларимиз тарихини ўрганиб...



Кўни-кеча В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўзининг катта тўйини тантанали нишонлади. Мана, ўтган эллик йил мобайнида университет багрида бир неча ўнлаб касбларда юқори малакали кадрлар тайёрланди.

Университет коллективи, айниқса, бу йилги юбилейини муносиб кутиб олиш учун бажарилган ишларга якун ясади. Катта-катта илмий кашфиётлар ниҳоясига етказилиб, кандидатлик ва докторлик диссертациялари ёқланмоқда. Бу соҳада университетнинг барча кафедралари, жумладан, партия тарихи кафедраси ҳам салмоқли ишларни рўёбга чиқармоқда. Шу кафедралар орқали саксондан ортиқ кандидатлик ва ўнта докторлик диссертацияси ёқланди. Кафедра аъзоларининг ўзидан ўн беш киши фан кандидати, беш нафари фан доктори деган илмий даражани олишга сазовор бўлди. Яқинда тарих фанларн кандидати, доцент Аҳмадхўжа Ҳамидхўжаев Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Ленинча Коммунистик Ёшлар Союзи тарихини ёзиш юзасидан докторлик диссертациясини ёқлади.


А. Ҳамидхўжаев кўп йиллардан бери ёшларнинг коммунистик союзи тарихи бўйича илмий ишларни олиб борар эди. У шу проблема бўйича ўттизга яқин илмий ишлар ёзди. Жумладан, иккита монография ва брошюралар нашр этирди. Университет юбилейига муносиб совға тариқасида эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Расмий оппонентлар: тарих фанларн докторлари, профессорлар К. Е. Житов, Х. Т. Турсунов. Х. Ш. Иноятов ва бошқа ўртоқлар диссертацияга юқори баҳо бердилар. Ёшлар тарихи ҳақидаги бу асарнинг жуда катта манбаълар асосида ёзилганини, ёшларни, коммунистик руҳда тарбиялаш ҳамда совет ёшлари тарихини ўрганишда бошқа халқлар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Москва, Минск ва Ўрта Осиё республикаларн илмий ташкилотларидан, Тошкент олий ўқув юртларн кафедраларидан олимлардан келган тақризларда ҳам мазкур илмий ишга ижобий баҳо берилган.

Диссертация алоҳида китоб сифатида нашр қилиниши тўғрисида тавсиялар киритилди.

Университетнинг ижтимоий фанлар бўйича илмий советн А. Ҳамидхўжаевга тарих фанлари докторн илмий даражасини берилишига бир овоздан қарор қилди.

О. УБАЙДУЛЛАЕВ,
И. ҒОЗИЕВ.



Электр монтёр Ш. Содиқов кўп йиллардан буён Тошкент радио уйида ибратли меҳнат қилади. Ўз касбини севган бу ишчининг намунали меҳнати туфайли кўпгина приборлар узоқ ва юқори савияда ишлайди.

СУРАТДА: Ш. Содиқов.

Л. Глауберзон фотоси.

Экскаватор ҳаракатни тежайди

Ўрта Осиё Ирригация илмий-тадқиқот институтининг олимлари бир чўмичли экскаваторни зовурларни тозалаш учун қайта жиҳозладилар. Шундан кейин унинг ҳаракати анча тежамлироқ бўлиб қолди: Механизм каналларнинг қирғоғига тегмаган ҳолда тубидаги лойқани чиқариб ташлайверади. Айни пайтда оддий экскаватор чўмичида аввалгисига нисбатан кўпроқ тупроқ олади.

Қайта жиҳозланган экскаваторга қўшимча стрела ўрнатилди. Бу чўмичнинг ҳаракатини ўзгартириш—чўмични аввалгидек кўндалангига эмас, каналнинг оқими узунаси бўйлаб тортиш имконини берди. Шундай қилиб машина лойқа босган зовурни тозалаб, нуқул фойдали иши бажаради.

(ЎзТАГ).

*Дарахт бир ерда кўкаради

Ёшликда берган кўнгил

ЛАВҲА

Собир ака тантанали кечадан кўчага чиққанида қош қорайган эди. Майин еллар эса унинг сочини силаб ўтди. Собир ака дилда олам-олам қувончлар оғушида уйига йўл олди...

Унинг бугунги севинчининг боиси бор эди. Тумонат одам йиғилган жойда унинг қилган ҳалол меҳнатларини тақдирлашди. Илғор машинистнинг бошқаларга намуна бўладиган томонларини айтишди. Шогирдлари ҳам шу тобда ўзларини бахтиёр ҳис қилиб ўтиришарди.

— Ким эдингиз ким бўлдик, — ўзича пичирлади Собир ака. Ота розиэл рози деб шунн айтадиларда. Отамнинг айтганларини қилганим учун шунчалик бўлдим...

Хаёл Собир аканн узоқ-узоқларга олиб кетди...

Баъзилар ёшлик—бебошлик дейдилар. Бу тўғри эмас. Чунки ана шу ёшликда, юрак ва биликда ўт ва куч чақнаганда ҳар бир киши бирор ҳунарнинг этагини тутгиси келади. У баъзан боши қотиб, баъзан танланган касбидан қўрқиб ҳам юради. Нега дейсизми? Аввало бирор касбга қўл ургандан сўнг унинг ҳақиқий устаси бўлиш керак. Иш бор жойда қийинчилик ҳам бўлганидек, дастлаб ишга келган ҳар қандай ўспирин ҳаёт синовига бардош бера олиши керак. Собир ака худди шундайлардан.

Ёшликда унинг ишқи тепловозга тушди. Бўш қолди дегунча вокзалга келиб пишқириб кетаётган поездларга мафтун қараб турарди. Хуллас, станцияда ўралашганн ўралашган эди.

Наим Каримов ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган моҳир машинист эди. Ҳар сафар йўлдан келганида қорачагина йигитчага кўзи тушарди. Аввалига бунга унчалик эътибор бермади. Кейин унинг кўнглига кўл солиб кўришга аҳд қилди. Кичик Собирни ёнига чақирди-да унн гапга тутди:

— Хўш, болакай, нима қилиб юрибсан бу ерда? — сўради у Собирнинг кўзларига меҳрибонлик билан тикилиб ва сўзида давом этди: — Ёки поезд ҳайдашга ишқибозмисан?

Мана шу охирги гап Собирнинг кўнглидагиси эди. У севиниб кетиб «Ҳа, жуда ишқибозман» дея олди холос.

Шундай қилиб денг Собир машинистга ёрдамчи қилиб олинди. Шунда севинганини айтсангиз. Уйга худди, қанот қосил қилгандек учиб борди. Уйдагиларга бор гапни айтиб берди. Бу хабарни ўртоқлари эшитишиб уларнинг ҳам ҳаваси келиб кетди.

Наим ака ёрдамчисидан жуда хурсанд эди. Устоз ўз шогирди ишидан севинаяптими, шунинг ўзи катта гап. Буни билган Собир айтилган ишларни бажонидил бажарар, бўш вақтларида эса поезд қисмларини ўрганарди.

Ана шунга ҳам 22 йил бўлибди. Шу давр ичида Собир ака ўсди, улғайди. Пешоналарига сал ажин оралади. Бир вақтлари ўзи шогирд эди, энди эса у ёшларнинг меҳрибон мураббийси, устози. Энди у тепловоз ҳайдашни орзу қилганларга ўз ҳунарини бажонидил ўргатяпти. Аҳмад Умаров унинг энг яхши шогирди, йўлдаги доимий ҳамроҳидир.

Ҳамза станциясига бориб, энг яхши машинистларни сўрасангиз Собир Ғозиев номини тилга олишади. Бунинг боиси бор. Чунки, у ўзининг ҳалол меҳнати, ширинсўзлиги билан кўпчилик муҳаббатини қозонганлардан.

Биз Собир ака Ғозиев билан гаплашдик.

— Ёшликда берган кўнгил ҳўп қизиқ бўлар экан, — деди у кулимсираб. Бизнинг тепловозга ишқимиз тушган. Шундан бери йўлдамиз. Баъзилар тепловоз ҳайдаш осон, из устидан учиб бораверади, деб ўйлашади. Очиғини айтганда бу ҳақиқатга унча тўғри келмайди. Йўлда ҳар хил тасодифан ҳодисаларга дуч келишингиз мумкин. Шунинг учун машинист эҳтиёткор, узоқни кўра биладиган бўлиши керак.

Собир ака ҳақ гапни айтди. Машинист аввало уддабурон бўлмоғи лозим. Ҳали айтгандек, йўлда ҳар хил ҳодисалар рўй бериши мумкин. Шунда у қатъий қарорга келмоғи лозим. С. Ғозиев ана шундайлардан биридир.

Илғор машинист ҳар қандай янги ташаббусга биринчи бўлиб қўшилади. Тошкент тепловоз депосининг машинисти Абдулҳай Маракаев кўплаб ёқилғи иқтисод қилиб қолиш ташаббуси билан чиққанида ҳам С. Ғозиев унга биринчилар қаторида қўшилди. Ҳали биз юқорида айтганимиздек, Собир акани йиғилишда мақтаганларининг боиси ҳам шунда эди. Уни энг яхши тежамкор-машинист сифатида тилга олишди. Унинг ён дафтарчасидаги рақамлар ғоят характерлидир. Бу рақамлар замирида тежалган ёқилғи ётибди.

С. Ғозиев ўз ҳамкасб дўстлари — Фарҳод Раҳимов, Дмитрий Костеклар билан ишлаб, вагонларни тез тақсимлашда барчанинг ортига тушган. Шунинг учун бу азаматлар номини Тошкент тепловоз депосининг коллективи фахр билан тилга олади.

Собир ака Ғозиев шу кунларда КПСС нинг XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа асосида ишлаб, барчага намуна бўляпти. У партиямиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим санани ёруғ юз билан кутиб олишга аҳд қилди.

Бутун умрини пўлат изларга тиккан С. Ғозиевга улуғвор режаларини амалга оширишда зафар ёр бўлаверсин.

А. ҲАМИДОВ,
С. БОҚИЕВ.

*БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

АҲДИГА ВАФОДОРЛАР



Қатор-қатор машинам ва ҳар томонлама қулай уйлар, ёруғ мактаб ва болалар богча-ясилари, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари, аҳоли яшаётган ва қурилаётган шинам бинолари тиклашда 159-трестга қарашли 13-қурилиш бошқармаси бинокорларининг ҳиссаси катта. Бошқарма коллективи беш йиллик планни қурилиш ташкилотларида биринчилар қатори бажариб, келгуси беш йиллик ҳисобига ишлаётганига бир ярим ойдан ошди.

— Бошқармада ҳамма иш қатъий график асосида олиб борилмоқда, — дейди бош қарма планлаштириш бўлимининг бошлиғи Раис Муҳаммаджонов, — бунинг учун фактларга мурожаат қилайлик. Бош пудрат ишлари бўйича бир йилда 5.895 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз лозим эди. Ўтган тўққиз ой мобайнида 5.289 минг сўмлик иш амалга оширилди. Қолган 606 минг сўмлик ишни биринчи ноябргача бажариб, Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрамини ёруғ юз билан кутиб оламиз. Бундан ташқари ўз кучимиз билан қурилаётган объектларда ҳам йиллик план ноябрь ойининг охиригача бажарилади.

КПСС марказий Комитетининг Улуғ Октябрь Чақириқларидан илҳомланган ишчилар ва инженер-техниклар барча объектларда КПСС XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Кўпгина участка ва бригадаларнинг коллективлари 1971-1972 йиллар ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Улар ҳақида бошқарма партия бюросининг секретари Рафоэл Михайлович Давидов тўлқинланиб ҳикоя қилиб берди.

— Ғайбулла Султонов бошлиқ участка коллективи бирор ой ёки квартал йўқ-иплапни бажармаган бўлсин,—дейди Давидов.— Участка бошлиғининг тадбиркорлиги, тиришқоқлиги туфайли ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам кунлик топшириқ ортиғи билан бажаришади. Бу коллектив беш йилликнинг тўртинчи йили планини аллақачон бажариб қўйган.

Участка бошлиғи Ғайбулла Султонов бизни очиқ чеҳра билан қутиб олди. Болаларча тортинчоқ ёш инженер ўз ишлари тўғрисида ҳикоя қилар экан, жингалак сочларини панжаси билан тараб илғор кишиларнинг номини гурур билан тилга оларди.

Ака-ука Усмон ва Акром Икромовларнинг номи йиллар давомида бошқарма ва трест ҳурмат тахтасидан тушмайди. Икки ога-ини ғишт териш, қурадгорлик, бетончилик каби касбларни яхши эгаллашган. Ҳар ишда, чақон, бирбирига бош-қош. Шу туфайли нормани ортиғи билан бажарибгина қолмай иш сифатини яхшилашда ҳам бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Участка коллективи бирданига икки объектда — Бешқайрағоч массивида қурилаётган участка ҳақида гап кетганда, ишнинг кўзини биладиган коллектив, дейишди бошқарма бошлиқлари. Бу участкаиинг Тўлқин Самиғов бошқараётган эллик кишилик бригадаси қилган ишлар, қурган уйларининг ўзида катта-катта иккита маҳалла истиқомат қилиши мумкин. Бригада ўз фаолияти вақтида қурган барча уйларни бир сафга тизилса, Навоий кўчасининг у бошидан бу бошига етади.

Ҳозир саминғовчилар Марказ-1Д квартиладa бир йўла иккита етмиш икки квартирали уй қуришяпти. Объектда иш қизғин. Мосламаларни монтаж қилаётган кишиларнинг гайрати кишига завқ бағишлайди.

— Бригадамизда ҳамма пешқадам, улардан бирортасини алоҳида ажратиш қийин, — деди Тўлқин Самиғов.

Ҳа, пешқадам бошқармада ўз меҳнати билан шон-шуҳрат қозонган кишилар жуда кўп. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, орденли Соли ака Ортиқов шундай кишилардан бири. У ўзининг ўн йиллаб қилган иш фаолияти даврида қанчадан-қанча шогирдлар тайёрлади, ёшларга касб ўргатди. Эндиликда унинг кўплаб шогирдлари шаҳримиздаги турли қурилиш ташкилотларида бригада ва участкаларни бошқаришмоқда.

Навоий кўчасидаги 30 «А» рақамли уйни қуриш ҳақида гап кетганда Соли ака бригадасининг танлаб олиниши ҳам бежиз эмас эди. Соли ака ўзининг ўн беш кишилик коллективи ва практикага келган студентларга таяниб шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турган яшил бинони муддатидан анча олдин қуришга эришди. Бу уйда истиқомат қилган кишилар барча қулайликларга эга. Кенг балконлар, обод ва шинам ҳовли ҳамда биринчи қаватдаги катта магазин учун улар қурувчилардан жуда миннатдор бўлишади.

Соли Ортиқов бригадаси ўз зиммасига юкланган вазифани адо этиб бўлди. Қурилишда ҳар қачонгидек бригаданинг Арслон Каримов, Тоҳир Муҳаммаджонов сингари пешқадамлари намуна кўрсатишди. Ҳозир бу ерда ер текислаш ва дарахт ўтказиш сингари ободончилик ишлари амалга оширилмоқда.

Биз пардозчилар ва шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасининг ишчилари ишини кўздан кечирдик. Пардозлаш трестининг 20-пардозлаш бошқармасига қарашли Юрий Володин бошлиқ бригаданинг сувоқчилари Галина Кишленко, Н. Бутдик билан политехника институти қурилиш факультети студентлари Айлез Адгемуперов ва Миркамол Нурматов сўнгги сувоқ ишларини битиришмоқда. Бу уйда 60 хонадон 7 ноябрь куни уй тўйларини ўтказишади.

Бошқарма коллективи ишини кўздан кечирар экамиз аҳдига вафодор кишилар биринчи ноябргача йиллик планни бажаришига амин бўлдик.

Ҳ. ҲАКИМОВ,
Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА: Пардозлаш трестининг 20-бошқармасига қарашли Ю. Володин бошлиқ бригаданинг сувоқчилари Навоий кўчасидаги 30 «А» рақамли бинода сўнгги пардозлаш ишларини бажаришмоқда ва бригадир Ш. Шомов бошчилигидаги шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бошқармасининг ишчилари ободончилик ишларини олиб бормоқдалар.

Р. Альбеков фотолари.



Симузарлар

ҚУРИЛИШ бошлиғи эртадан кечгача иш билан банд бўлиб, шу кун ўзининг туғилган куни эканини унутиб қўйди. Бу ғайри табиий воқеа, демоқчимисиз? Йўқ, асло! Худди шундай бўлди.

У буни кечқурун эслаб қолди. Бу пайтда унинг яқин кишилари дастурхон ёзиб, чақчақлашиб ўтирган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмасди.

Тезда уйга етиб бориши керак. Деразадан қараса, кўчада трамвай, тролейбуслар «тиқилиб» ётибди. Унинг бошқармасига қарашли шоферлардан бири бундан уч соат мукаддам алоқа тармоғини узиб юборган эди. Машинасига экскаваторни ортиб, муюлишда ҳамма симларни узиб юборади.

Гаражга телефон қилиш амри маҳол эди. Уйга телефон қилди.

— Меҳмонлар келишдими?

— Келишди, — жавоб берди хотини тундлик билан.'

— Гаражнинг телефонини ёз. Балки сен гаплаша оларсан.

— Ёзолмайман.

— Нега?

— Қоронғи. Сенинг қурувчиларинг ариқ қазиб, кабелни шикастлаб қўйишган. Қоронғида ўтирибмиз.

— Дастурхон ясатдингми? Овқатповқат...

— Газ йўқ. Овқат пишира олмаяпман. Сенинг строймеханизациянг коммуникацияни узиб кетган.

Бу жавобларни эшитиб, нима қиларини билмаган бошлиқ телефон станциясига мурожаат қилди:

— Гараждаги телефонни текшириб кўринглар!

— Яхши. Навбатга сизни ҳам ёзамиз.

●Ташвишли сигнал

Тезроқ бўлсангиз, дегандим.

— Зудлик билан кўриб чиқинглар, дейсизми? Тез бажариладиган ишлар журналига ёзамиз. Бир ой ичида, албатта, тузатамиз.

Бошлиқ трубкага яна бир нималар деб жон куйдириб гапирди. Бироқ бефойда эди. Телефон нима учундир ишламай қолди.

Шунчалик эмасдир, деярсиз. Худди шундай бўлган!

Трамвайлар тўхтади

25 ОКТЯБРЬ куни «Главташкентстрой»нинг 8-механизация бошқармасидаги «17—94 ТШЕ» автомашинаси трамвай-троллейбус" тармоқлари ҳаво йўлларининг барчасини «тозалаб» олиб кетди. Пролетар ва Полторацкий кўчалари муюлишидаги кенг габаритли конструкцияли трассага ҳам тегиб ўтди.

1, 2, 5, 8, 9, 12-трамвайлар, 1, 5, 9-троллейбуслар уч ярим соатча туриб қолишди. Трамвай-троллейбус трестининг авария бригадаси келиб, симларни улаб кетганича орадан шунча вақт ўтди. Шаҳар хўжалиги бундан икки минг сўмдан ортиқ зиён кўрди. Ундан ташқари, яна қанча ишлар орқага сурилмади дейсиз. Уз хизмат вазифаларини ўтай олмай қолган механикаларнинг ҳолатларини айтмайсизми?!

«17-94 ТШЕ» автомашинасининг ҳайдовчиси эса лоақал фамилиясини ҳам айтишни лозим кўрмади. Машинасини орқага бурди-ю, ҳеч нарса бўлмагандай, хотиржам жўнаб қолди.

Садосиз телефонлар

ТЕЛЕФОНЛАРНИНГ ёмон ишлаши ҳақида кўп гапирилади. Бундан фақат шаҳар телефон хизмати бошқармаси ходимларигина эмас, қурувчилар ҳам айбдордирлар. Йўқни бор қилиб, янгилик барпо этувчилар, кези келганда борни йўққа чиқаришдан ҳам тоймайдилар. Телефон симларини шартта узиб ташлаш уларга ҳеч нерса эмас. Баъзи участкаларда кабеллар мутахассислар айтгани каби «уграга» айланиб кетган.

— Йилнинг тўққиз ойи ичида, — дейди шаҳар телефон тармоғи бошқармасининг бошлиғи В. Королев,— кабеллар қирқ икки бор ишдан чиқди. Бу «Главташкентстрой» прорабларининг ўз ишларига кечириб бўлмаслик даражада совуққонлик билан қараганликларининг натижасидир. Ер кавлаш ишлари бошланмасдан олдин шаҳар телефон хизмати ходимларига бир оғиз айтиб қўйишса бўларди-ку!

Бемаслаҳат қилинган ишлар натижасида шаҳар телефонлари саккиз юз саксон икки минг телефон-соат бекор туриб қолди.

Бу дегани, қурувчилар айби билан шаҳарда олти минг телефон ишламай қолди, деган сўздир. Ундан келган моддий зарар эса ўттиз минг сўмни ташкил этди.

«Узэлектромонтаж» махсус трестининг бошлиғи И. Фельдман» шундай дейди:

— «Главташкентстрой» ташкилотлари қурилиш ишлари билан шуғулланишганда электр кабелларини икки юз йигирма беш бор тузатишга тўғри келди. Ремонт пайтида уч юз тўқсонта боғланиш муфтаси борлиги аниқланди. Бу нарса электр таъминоти сустлашишидан далолат беради. Электр кабелларни қайта тиклаш учун қирқ минг сўм маблағ ишлатилди.

Ким айбдор?

СУНГГИ беш йил ичида,— дейди И. Фельдман — энергетиклар қурувчиларга кабелни шикастламаслик ҳақида бир неча бор мурожаат қилдилар. Бироқ фойдасиз бўлди. Ҳеч ким жавобгарликка тортилгани йўқ.

Айбдор эса аниқ. Масалан 3-қурилиш трести «азамат» механизаторларининг ўзларигина электр кабелларимизни ўттиз тўрт марта узишди. Бундан хўжалик ўн беш минг сўмлик зиён кўрди. 153-қурилиш трестининг ишчилари эса ер ости электр йўлларини эллик беш марта ишдан чиқаришди.

Зилзиладан сўнг шаҳарда электр системаси қайта кўриб чиқилар экан, электрдан фойдаланиш, электр тарқатишда автоматика, янги техника воситаларидан кенг фойдаланилди.

Бироқ электр йўллари ҳимояси ва ер ишлари қоидаларига риоя қилинмаганн сабабли электр ўтказувчи ер ости ва ҳаво йўлларининг оммавий шикастланиши каби кўнгилсиз воқеа содир бўляпти. Бунинг натижасида корхоналар, қурилиш жойларида иш ётиб қолади, даволаш, мактаб ва мактабгача ёшдаги, маданий-оқартув муассасаларида иш жараёни бузилади.

— 1966 йилдан — Тошкентни қайта тиклаш давридан бошлаб, — дейди Тошкент электр тармоқлари корхоналари инженери М. Маркман, — юқори вольтли сим йўллари тўққиз юз бор ишдан чиқди. Бунинг оқибатида таъминланувчилар етти юз минг киловатт-соат электр энергиядан маҳрум бўлдилар.

Жарқўрғон тугунининг ўзини ер кавлайдиган механизмлар охирги уч йил мобайнида ўттиз уч марта ишдан чиқарди. Бу участка ёғ-мой комбинатидаги механика заводи, насос станцияси, мактаб-интернат, болалар боғча-яслиси, ўттиз минг аҳоли яшайдиган XXI партсъезд турар-жой массивини таъминлаши керак.

Ном-баном

ШУ ЙИЛ 153-трестнинг қурувчилари (бошлиғи Н. Клеблеев), ўн олтита электр тугунни шикастлашди. Бу проаблардан ўртоқ Гусев ва Исмоиловларнинг айби билан рўй берди.

«Ташинжстрой» қурилиш трести (бошлиғи А. Абдуқодиров) кабелларни ўн икки бор узиб юборди. Бу ишда 4-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Д. Бучацкий алоҳида «иш кўрсатди».

Юқоридаги масалалар юзасидан шаҳар халқ контроли комитети кенгайтирилган йиғилишида батафсил гаплашилди.

«Илиқ» суҳбатдан сўнг

ХАЛҚ КОНТРОЛИ комитети қарорида қайд қилинишича кабелларнинг шикастланиши телефон станцияси ва электр станция корхоналари вакилларини чақирмасдан ўзбошимчалик билан иш кўрилгани натижасидир. Иш қай йўсинда олиб борилаётгани, механизмлар ҳаракати устидан назорат ўрнатилмаган.

Кабель тармоқлари шикастланишигина эмас, йўлларни бузиб, бунинг учун ҳеч қандай жавобгарлик ҳис қилмаслик ҳаммадан ҳам ташвишлироқ. Қурилиш трести ва бошқармаларни раҳбарлари ер ишлари қоидаларини бузиб, кабель тармоқларини шикастловчиларга ҳеч қандай чора кўрмайдилар. Қурилиш раҳбарлари ишлаб чиқаришнинг бундай жараёнлари атрофида жамоатчилик фикрини туғдириб, келтирилган зарар ҳақини улардан ундириб олмаяпти.

Район ижроия комитети ва унинг бўлимлари томонидан ҳам етарли назорат олиб борилмаяпти. Кабель тармоқлари шикастланганига ҳеч қандай чора кўрилмайди. Шунингдек, ишдан чиққан сим йўлларини ўз вақтида зудлик билан қайта тиклаш учун қурашилмайди. Район ижроия комитетлари маъмурий комиссиялари, хусусан, Чилонзор районида қоидани бузувчилар ишини муҳокама қилишда принципсизликка йўл қўйишади.

Ер ости коммуникация тармоқлари ишини текширишда шаҳар архитектурасини планлаштириш бошқармаси ҳам ўзини четга оляпти. Шаҳар прокуратураси ҳам ҳеч қандай чора кўрмаяпти.

Айбдорга қаттиқ чора

ШАҲАР ХАЛҚ контроли комитети қарор қилди: Ер ости ишлари қоидаларини бузиб, юқори вольтли электр кабеллари ва телефон тармоқларига шикаст етказган, бу билан шаҳар хўжалигига зарар келтирган шахсларни қаттиқ огоҳлантириш ва ярим ойлик маошини босиб қолиш керак. Жумладан, «Ташинжстрой»нинг 4-қурилиш бошқармаси бошлиғи Д. Бучацкий, «Таштрансспецстрой»нинг 68-қурилиш бошқармаси раҳбари Т. Воинов, 22-қурилиш бошқармасидан В. Бобилевлардан ойлик маошлари босиб қолинди.

Шунингдек, «Ташинжстрой»нинг бошлиғи А. Абдуқодиров, «Таштрансспецстрой» бошлиғи А. Усмонов ва 13-қурилиш бошқармаси бошлиғи В. Вайнтрубларга қаттиқ огоҳлантириш берилди.

Шаҳар халқ контроли комитети «Главташкентстрой»нинг барча трест ва бошқармаларини огоҳлантириб, мана шу кўрилган тадбирлардан тегишли хулоса чиқариб, керакли тартиб ўрнатилмаса яна ҳам қаттиқроқ чоралар кўрилажагини айтди.

М. САВЕЛЬЕВ.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГЛАР— КАБЕЛЬ!

Планетамиз янгиликлари

Замбияда мустақиллик куни байрами

ЛУСАКА. Замбия мустақиллигининг олти йиллигига бағишланиб, Лусакада ўтказилган кўп минг кишилик митингда сўзга чиққан Замбия президенти Кеннет Каунда «Замбия ўз мустақиллиги учун курашиб кўп қурбонлар берди, шунинг учун ҳам биз бу мустақиллигим и з н и душманлар тортиб олишига йўл қўймаймиз», деди.

Модомики, Мозамбик, Ангола, Гвинея (Бисау), Жанубий Африка Республикаси, Намибия, Жанубий Родезия халқлари мустамлакачилар ва ирқчилар асорати остида азоб тортиб ётаверар экан, Замбия ўзини тўла равишда эркин, деб ҳис қила олмайди, деди президент К. Каунда. Ирқчи — мустамлакачи режимларнинг реакцион кучлари, деб давом этди Каунда, Африканинг мустақил мамлакатларига қарши кирдикорларини давом эттирмоқдалар.

Президент мамлакатнинг мустақилликка эришгандан бери ўтган олти йил ичида қўлга киритган ютуқларига тўхталиб ўтди ва мамлакат халқини республика ғалабаларини ҳимоя қилишга, унинг эркинлигини ва суверенитетини ҳимоя қилишга даъват этди.

Митинг бошланмасдан олдин президент Кеннет Каунда мустақиллик куни байрамида қатнашмоқ учун Замбияга келган совет ҳукумати делегациясининг раҳбари, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари К. А. Халиловни митинг аҳлига таништирди. Митинг қатнашчилари совет халқининг вакилларини қизғин табриклашди.

(ТАСС).

ЯПОНИЯНИНГ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ КАМАЙИБ БОРМОҚДА

ТОКИО. Кейинги беш йил ичида Япония қишлоқларидаги хўжаликлар 323 мингта камайди, қишлоқ аҳолиси эса, яна 3 миллион 803 нафар қисқарди, дейилади Япония деҳқончилик ва ўрмончилик министрлиги эълон қилган ахборотда.

Ахборотда айтилади-ки, хўжаликлар сони камайиб борганлиги натижасида қишлоқда каттароқ хўжаликлар тасарруфидаги ер мулкларининг миқдори бир мунча кўпайди. Кўпгина онлалар тирикчилик ўтказмоқ учун деҳқончиликдан бошқа ишлар билан шуғулланишга, хўжаликнинг бошқа тармоқларидан иш қидиришга мажбур бўлмоқдалар.

Деҳқончилик ва ўрмончилик министрлигининг маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда Япония қишлоқларида 5 миллион 342 минг хонадон қолган. Икки гектар ва ундан ҳам кўпроқ ери бўлган капиталистик хўжаликлар сони кўпайган.

(ТАСС).



ГФР. Ер олиб сотадиган ва квартира ҳақини доимо ошириб келаётган уй эгаларининг кирдикорлари ғарбий германиялик аҳолининг норозилигини оширмоқда.

Яқинда Дюссельдорф шаҳрида кўп минг кишилик катта митинг бўлиб ўтди (суратга қаранг). Митинг қатнашчилари номидан сўзга чиққан ижарага ўтказувчилар Союзининг раиси: уй эгаларининг бундай қилиқларига барҳам бериш керак, деди ва мамлакатдаги 40 миллион кишилик ижарага ўтказувчиларни бир фронт бўйлаб ҳаракат қилишга чақирди.

АДЕ—ТАСС фотоси.

Маймунлар ҳамласи

Африка миллий конгрессининг «Ньюс» деб аталган бюллетенида келтирилган бу воқеани Мозамбикда турлича— партизанлар чин юракдан кулиб, португалияликлар истар-истамас аччиқ кулги билан ҳикоя қилишади. Воқеа шундай бўлган эди: Қандай қилибдир тунда маймунлар подаси португалияликларнинг ўқдори омборига ҳужум қилади ва унинг ичкарисига кириб, чинакамига «меҳнат қилишади» —ўқлар, портловчи моддалар, милтиқларни бир ерга уйиб қўйишади, портатив радиостанцияни чил парчин қилишади ва граналар билан қуроллашишади. Бу граналар иккинчи жаҳон уруши давридаги эски граналар бўлганлигидан сал ўрилиши билан портлаб кетиши мумкин эди. Айни шу пайтда шовқин-сурондан безовталанган жазоловчилар келиб етишади. Маймунлар уларни «илиқ» қутиб олишади — чинакам жангчилардек уларга қараб граналарни улоқтира бошлайдилар... Жазоловчилар эса жуфтакни ростлаб қолишади.

Бу партизанларнинг кундалик ҳаётида учраб турадиган кулгили ҳодиса албатта. Лекин ҳақиқат анча аччиқ.

Португалиянинг Африка жанубидаги мустамлакаси бўлган Мозамбикда уруш бораётганига бир неча йиллар бўлиб қолди. Партизанлар чангалзорларнинг ҳилват сўқмоқларини бўйлаб, дарё ва ботқоқликлар оша мустамлакачиларнинг базаларига келадилар ва уларнинг қўққисдан ўққа тутадилар, гранаталар улоқтирадилар... Португалияликлар бегона ерда доимий ваҳима ичида яшайдилар. Ҳар бир дарахт уларнинг кўзига партизанлар разведкачиси, ҳар бир тош— мина бўлиб кўринади, ҳар бир синган шох автомат ўқлаш бўлиб эшитилади. Мозамбик ўрмонлари улар учун ваҳимали! Ҳамма нарса, ҳатто... жониворлар ҳам уларга қарши.

(АПН).

ЭЛЛИГИНЧИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

БУХАРЕСТ. (АПН мухбири). Республиканинг олий ўқув юртларида янги ўқув йили бошланди. Бу йил ўтган йилдагидек қирқ тўққиз эмас, балки эллик университет ва институт ўз эшигини очди. Металлургларг шаҳри Хунедоарда яна бир олий ўқув юрти ишга тушди. У ўн техника мутахассислиги бўйича мутахассислар тайёрлайди. Яқин вақтларда институт қошида кечки бўлим очилади. Ўнда маҳаллий корхоналарнинг ишчилари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, олий инженерлик маълумотини олишлари мумкин.

Ф. АНГЕЛИ.



ВЕНГРИЯ. Мамлакатда ўзининг виноси билан машҳур бўлган Соксард шаҳрида узум узиш мавсумини байрам сифатида нишонлаш одат бўлиб қолган. Аҳолининг миллий кийимларда парадга чиқиши шаҳарликлар эътиборини тортади. Улар кўчалардан қадимий ва ҳозирги замон халқ ашулаларини айтиб, рақсга тушиб ўтадилар.

МТИ—ТАСС фотоси.

ХУДДИ КИНО-ДАГИДЕК

БРЮССЕЛЬ. (АПН мухбири). Қадимги чинни, фил суягидан «тайёрланган ҳайкалча, қимматбаҳо ёғочдан ишланган турли буюмлар ва Шарқий Хитой, Ҳиндистон, Бирнео оролларининг усталарининг гавҳарлар билан безатиб ишлаган буюмлари. Булар музей экспонатлари эмас, йўқ. Юқорида аталган нарсалар яқинда Брюсселдаги бир бой коллекциячининг уйидан ўғирлаб кетилган буюмлардир.

Ҳамма иш яхши ёзилган детектив романдагидай бўлиб ўтди. Таловчилар тунда уй ёнидаги боққа киришади, деразани қўтариб очадилар, панжараларни арралайдилар ва Шарқ санъати асарларининг бой коллекцияси уларнинг қопларига жойланади. Дастлабки ҳисобларга қараганда, ўғирланган нарсалар баҳоси икки ярим миллион Бельгия франки миқдорида эканлиги аниқланди. Афтидан гангстерларнинг диди яхши бўлса керак. Маҳаллий газеталарнинг уларни «санъат соҳасидаги мутахассислар!» деб аташи бежиз эмас.

Бу каби талончиликлар Бельгияда тез-тез рўй бериб турибди. Брюсселда чиқаётган «Дерне ер» деган газета: «Бельгия ўғирланган нарсаларни яширин равишда сотиш билан шуғулланувчи халқаро қўламдаги олғирлар учун хизмат қилувчи бундай «мутахассис»ларнинг иш олиб бориши учун ажойиб майдон ҳисобланади» деб ёзади. Гарбий Европа мамлакатларидаги музейлар ёки коллекциячилардан ўғирланган санъат асарларининг океан орқасида сотилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шундай қилиб, доллар Европа экономикасини «шимибгина қолмай» унинг маданий бойликларини талашда ҳам ёрдам бермоқда.

В. НЕДБАЕВ,

(АПН).

ХЕМИНГУЭЙНИНГ ЯНГИ ТОПИЛГАН РОМАНИ

Нью-Йоркнинг китоб магазинларида Эрнест Хемингуэйнинг «Океандаги оролдар» романи пайдо бўлди. Узимда «Хемингуэйнинг янги романи» мақоласини ёзиш истаги туғилганини сезаман. Афтидан ёзувчи фожиали вафот этганидан бери ўтган тўққиз йил мобайнида ҳамон тирикдай, ишлаётгандай туюляпти. Хемингуэй ҳақида китоблар пайдо бўляпти, унинг илгари босилмаган китоблари нашрдан чиқяпти.

Совет ўқувчилари «Океандаги оролдар»ни. «Иностранная литература»нинг яқин сонларидан бирида ўқишади.

Бу Хемингуэй томонидан ўйланган денгиздаги, ердаги, ҳаводаги уруш ҳақидаги ишнинг бир қисмидир. Бу ишни ёзувчи баъзан «Катта китоб» деб атарди. Афсуски, у фақат «денгиз» қисмини тугаллашга муваффақ бўлди. У бу асар устида Кубада тўрт йил (1947 йилдан 1951 йилгача) ишлади.

Роман мавзуи —уруш. Моҳияти эса урушга нафратдан иборатдир. Хемингуэй биринчи жаҳон урушида ўшанда айрим газеталар «бу ҳамма урушларга якун ясайдиган уруш» деб атаган уруш билан юзма-юз келгандаёқ, ундан нафратланган эди. Лекин Хемингуэйга ушбу романни ёзиш олдидангина қурол билан ҳайрлашишга тўғри келди. Ўн беш йилдан кейин у Испанияга фашизм билан жанг қилгани борди. Яна бир неча йилдан кейин, 1941 йилда яна сўлдат бўлди. Афтидан, Хемингуэй урушдан ҳам фашизмни кўпроқ ёмон кўрган.

1942 йилда Хемингуэй «Одамлар урушда» тўпламини учун сўз боши ёзди. Мана шу сўз бошида шундай сўзлар бор:

«Мен урушдан нафратланаман, мана шу урушни муқаррар қилиб қўйган сиёсатдонлардан нафратланаман. Ҳамон уруш бошланган экан биз учун бир вазифа — ғалабага эришиш қолади. Урушда ютиб чиқишимиз керак. Чунки мағлубият урушда бўлиши мумкин бўлган энг мудҳиш ҳолга олиб келиши мумкин. Биз ғалаба қилишимиз керак. Биз қандай бўлмасин ғалаба қилишимиз керак... Биз ғалабани бўлга киритишимиз керак ва бу ўринда нимага қарши жанг қилаётганимизни унутмаслигимиз керак. Биз фашизмга қарши, унинг ғоялари ва идеаллари бизнинг мамлакатимизга кириб боришлиги учун жанг қиляпмиз..»

Сўз бошини 1942 йилда босиб чиқарилган ҳолда ўқиш менга насиб қилмади. Китоб 1955 йилда қайта нашр қилинганда Хемингуэй сўз бошини таҳрир қилган эди. Билмадим, унда 1942 йилда АҚШ га фашизм кириб келиш хавфи ҳақида сўзлар бормиди, лекин 1955 йилда Маккартидан кейин у актуал бўлиб жаранглади. Бу сўзлар китобнинг эндиги, бундан икки йил аввал чиққан нашрида ҳам актуал бўлиб жаранглайди.

Хемингуэйнинг янги босмадан чиққан романи сарлавҳасиз банк сейфида сақланганди. Умуман ёзувчи ўз асарларига номни узоқ ўйларди, баъзан икки юзтача ном қўйиб кўрарди. У ўз ишини тўла тугалланган деб ҳисоблагандан кейингина, қатъий қарорга келарди. Афтидан, бу романни тугалланилмаган «Катта китоб»нинг фақат бир қисми деб ҳисобларган ва шунинг учун унга ном қўймаган бўлса керак. Суҳбатларда уни «денгиз китоби» деб тилга олиб ўтарди. «Океандаги орол» номини Мэри Хемингуэй ва редакторлар китобнинг биринчи қисми вариантлари орасидан топдилар ва бирликни кўпликка алмаштириб, уни бутун романга қўладилар.

«Ороллар»— Хемингуэйнинг босиб чиқарилаётган сўнгги катта асаридир. Ёзувчининг беваси менга шундай деди:

Хемингуэйнинг вафотидан кейин қолган босилмаган асарлар орасида яна бир катта роман бор, ундаги воқеалар 20-йилларда Францияда бўлиб ўтади. Лекин Мэри Хемингуэй уни босиб чиқариш мумкин эмас деб ҳисоблайди, негаки бу китоб ёзувчи ўз асарлари олдига қўйган талаб даражасидан пастдир.

Г. БОРОВИК,

Нью-Йорк.

АПН махсус мухбири.

ЧЕТ ЭЛ КАРИКАТУРАСИ

АҚШ ҳукумати давлат бюджетидан монополиялар учун катта-катта маблағ ажратаётган бир пайтда, аҳолининг социал эҳтиёжи ва маориф учун ажратилган арзимаган маблағини ҳам қисқартмоқда.

[Газетадан].



—Сен тиланчига нима керак?

Америкада чиқадиган «Дейли уорлд» газетасидан олинган расм.

ТАСС фотохроникаси.

ФУТБОЛ

Йўлланмалар кутмоқда

«А» класс биринчи группа командалари ўртасида футбол бўйича мамлакат биринчилигининг навбатдаги турида мусобақа пешқадамлари — Олмаота шаҳрининг «Қайрат» командаси ўз майдонида Москва темирйўлчиларини қабул қилди. Ўйин охирлаб қолганда ҳисоб 1:1 эди. Аммо учрашув тугашига етти минут қолганда Жуйков ўз командасини олдинга олиб чиқишга муваффақ бўлди. «Қайрат» 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозонди. Бу ўйиндан сўнг қозоқ футболчилари 39 ўйиндан 56 очко тўплаб, мамлакат биринчилигида пешқадамлик қилмоқдалар. Шуниси қизиққи, бу учрашувда ҳар икки дарвозага ҳам бир мартадан 11-метрлик жарима тўпи белгиланди. Аммо Севидов («Қайрат») ҳам, Шулудько («Локомотив») ҳам ундан фойдалана олмади.

Пешқадамни таъқиб қилиб келаётган коллективлар дуэти ҳам бу турда икки очкодан қўлга киритдилар. Львов шаҳрининг «Карпати» командаси Ригада маҳаллий «Даугава» билан учрашиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Вильнюс шаҳрида «Жальгирис»— «Днепр» учрашуви жуда кескин кураш вазиятида ўтди. Ҳужумчилар жами беш тўп киритишди. Уч тўп мезбонлар дарвозасига ва икки тўп меҳмонлар дарвозасига киритилди.

Қатор мағлубиятдан сўнг Киев армиячилари ҳам ўз мухлисларини хурсанд қилишди. Украина пойтахтида бўлиб ўтган бу учрашувда армиячиклар Кишинёв шаҳрининг «Молдова» командасини қабул қилиб, 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозондилар. Хабаровск армиячилари эса ўз майдонларида бир очко билан кифояландилар. Уларнинг «Крилья Советов» (Куйбишев) билан учрашувда ҳисоб очилмади.

«Шахтёр» (Қарағанда) — «Текстильщик» (Иваново) учрашувида йирик ҳисоб қайд қилинди. Бу ўйинда майдон эгалари юксак кўтаринкилик билан ўйнаб, меҳмонлар дарвозасига жавобсиз тўрт тўп киритишга муваффақ бўлдилар.

Тбилиси шаҳрида маҳаллий темирйўлчилар «Волгарь» (Астрахань) футболчиларини қабул қилган эдилар. Ўйиннинг тўқсон минути давомида бирорта ҳам команда муваффақиятга эришолмади. Харьков шаҳрининг «Металлист» ва Краснодар шаҳрининг «Кубань» командалари ўртасидаги учрашувда ҳам ҳисоб очилмади.

Мусобақада энг сўнгги ўринларни эгаллаб турган Ашхобод шаҳрининг «Строитель» ва «Фрунзе шаҳрининг «Олға» коллективлари бу турда ҳам мағлубиятга учрадилар. Туркман футболчилари Ленинград шаҳрида маҳаллий динамочилардан 0:3 ҳисобида, қирғиз футболчилари эса, Свердловск шаҳрида маҳаллий «Уралмаш» командасидан 1:2 ҳисобида енгилдилар. Турнир жадвалининг йигирманчи ўрнини эгаллаб турган «Помир» (Душанбе) Татаристон пойтахтида «Рубин» командасидан 0:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Бугун чемпионатнинг навбатдаги турида «Строитель»— «Даугава», «Помир»— АСК (Киев), «Олға»— «Жальгирис», «Днепр»— «Металлист», «Карпати» — «Кубань», «Молдова»— «Локомотив» (Тбилиси), «Кр. Советов»— «Динамо», «Текстильщик»— «Уралмаш», «Локомотив» (Москва) — «Рубин», «Қайрат»— «Шахтёр», «Волгарь»— АСК (Хабаровск) учрашувлари бўлади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Тошкент оқшоми 3 бет

27 ОКТЯБРЬ, 1970 И.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—27|X да **Ойжамол**, 28|X да **Трубадур.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—27|X да **Парвона**, 28|X да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28|X да **Менинг жаннатим**, 29|X да **Паранжи сирлари**, 30|X да **Тошболта ошиқ.**

Кино

27 ОКТЯБРДА

Қўғирчоқ (2 серия)— «ВОСТОК» «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Доктор Рот шубҳа остида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Севги чиройи —САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Тилла зирак—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кечқурун).

28 ОКТЯБРДА

Қўғирчоқ (2 серия) —«ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун)

Доктор Рот шубҳа остида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Севги чиройи—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Тилла зирак—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқурун).

Тош юракли кишининг ўғиллари—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11 уй)

ОЛЕГ СОКОЛнинг

СССРДА ЯГОНА ЭЛЕКТРОН-ИЛЛЮЗИЯ АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ЭЛЕКТРОМЕХАНИК АССИСТЕНТ РОБОТ ИШТИРОКИДА

«МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР»

ва катта ҳар турли программалар.

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари; кундуз соат 3, кеч 6 да; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ институтга кирувчиларни кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган 6-ойлик пуллик

КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида пропискада турувчилар қабул қилинади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Кирувчилар: ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан ва иш жойидан справкалар, характеристика ва 2 дона фотосурат топширадилар.

Ўқиш учун 25 сўм тўланади.

Аризалар 14 ноябргача қабул қилинади.

Машғулотлар — 15 ноябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 108-уй, 228 хона. Телефон № 35-06-51.

31 ОКТЯБРЬ ВА 1 НОЯБРДА УЧҚЎРҒОН ШАҲРИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР 1970 ЙИЛГИ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 5-ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда умумий суммаси 877 ярим минг сўмлик 488750 та ютуқ ўйналади.

Шу жумладан: «МОСКВИЧ-412», «ЗАПОРОЖЕЦ-966» автомашиналари, «М-63», «ИЖ-ЮПИТЕР» **мотоциклларн, телевизорлар, холодильниклар, радиолалар, магнитофонлар, гиламлар, гилам пойандозлар ва бошқа қиммат баҳо буюмлар, ҳамда пул ютуқлари ўйналади.**

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

ТЕЛЕВИЗОР

27

ОКТЯБРЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Болалар учун мультфильм. **18.10** «Звезда Востока» журнали саҳифаларида. **19.00** «Ахборот» информацион программаси. **19.15** Съезддан — съездгача. «Рангли металлургияга фахри». **19.35** Реклама.

Узбек тилида: 19.40 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. **20.20** «Ахборот» информацион программаси. **20.35** «Сенинг орденларинг, комсомол!». Телефильм. 2-серия. **21.00** КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. «4 миллион 400 минг тонна учун». **21.15** «ЯРИМ АСР ИЛҲОМАСИ». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1922 йил ҳақидаги серияси. **21.55** Янгиликлар. **22.00** «Дилбарим». Бадиий фильм. **23.10** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 1-синф ўқитувчилари учун математикадан консультация (ўзбек тилида). **18.30** Биология 10-синф. «Эволюциянинг асосий йўналишлари» (рус тилида). **19.00** Сиртдан ўқиётган студентлар учун немис тилидан 4-машғулот. **19.25** Сиртдан ўқиётган студентлар учун инглиз тилидан 5-машғулот.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Бетховен. «Ҳаёт саҳифалари». 1-кўрсатув. **20.30** Миллионлар ленинча университети. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Интервидение. Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади. **23.00** «Вақт» информацион программаси. **23.30** Рангли телевидение. «Уч опа-сингиллар». Бадиий фильм. **01.00** Интервидение. Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади. Мусобақа охирида янгиликлар, кўрсатувлар программаси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 «Егор Буличов ва бошқалар». Бадиий фильмнинг 1-серияси.

Узбек тилида: 21.25 «Балет кечаси». **22.05** «Музлар устидаги қанотлар». Ҳужжатли фильм.

28

ОКТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **18.00** Ўсмирлар учун. «Орзу» программаси (ўзбек тилида). **Рус тилида: 18.35** «Ахборот» информацион программаси. **18.50** «Туғилган кунинг билан сенн, комсомол!», Ленин комсомоли туғилган кунга бағишланган махсус кўрсатув.

Узбек тилида: 19.10 «Тўлқинда 02». **19.15** «Сенинг орденларинг, комсомол». Телефильм. 3-серия. **19.40** «Ахборот» информацион программаси. **19.55** «Бир умр сен билан». Бадиий фильм. **21.10** КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. «4 миллион 400 минг тонна учун!» **21.15** «ЕРҚИН ҲАЁТ». Хотин-қизлар учун программа.

МОСКВА КУРСАТАДИ

22.30 Футбол бўйича СССР — Югославия терма командалари ўртасида халқаро учрашув. Танаффус вақтида ҳужжатли фильм. **00.15** «Хотира суди». 2-кўрсатув. **00.45** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **18.00** Болалар учун кинофильм (рус тилида). **Узбек тилида: 18.40** «Турмуш ва маданият» Тележурнал. **19.10** Телефильм.

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.50 Кўрсатувлар программаси. **19.55** Янгиликлар. **20.05** Рангли телевидение. «Эртак кетидан-эртак». **20.30** Биз ишчи синфи. **21.00** Янгиликлар. **21.05** «Горизонт». Ленинграддан олиб кўрсатилади. **22.00** «Вақт» информацион программаси.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.30 «Ўйларимиз. куйларимиз» (ўзбек тилида) .

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 «Депутат Снорре Брод ҳаётидан бир кун». Телеспектакль. **21.10** «Рози Армен куйлайди». «Таллин—67». Фильм-концертлар. **21.45** «Егор Буличов ва бошқалар». Бадиий фильм. 2-серия.

Радио

27

ОКТЯБРЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ҳамма пахта — Ватан хазинасига». Суҳбат (русча). **18.10** Партия ҳақида куйлаймиз. **18.40** Бутуниттифоқ кўп кунлик велосипед пойгаси ҳақида репортаж. **19.20** «Фарғона водийси куйлайди». Микрофон олдида бадиий ҳаваскорлар. **20.00** «Ешлик» радиостанциясининг программаси. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Пахта терими илғорлари учун концерт. **22.20** Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун концерт (ўзбекча). **22.40** Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. А. Қаххор. «Минг бир жон» (ўзбекча) **23.15** Куйлар тинглаб дам оламиз. **24.00** Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 А. Притам. «Бир қиз, бир қадаҳ». Инсценировка қилинган ҳикоя (ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун музикали эшиттириш (русча). **20.00** Ўзбекистон композиторларининг асарларидан концерт. **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **20.50** «Бугунги Латвия». Латвия радиосининг эшиттириши (ўзбекча). **21.00** А. Юзинайн. «Тўй» романидан боблар (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Орол тонги» радиопостановкаси (русча).

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНЛАРИДА

7 ноябрь байрами учун



КЎП МИҚДОРДА ВАТАНИМИЗДА ВА ЧЕТ ЭЛДА ЧИҚАРИЛГАН ТИКУВ БУЮМЛАРИ, ЭРКАКЛАРНИНГ ҲАР ХИЛ ФАСОН ВА МОДЕЛДАГИ КОСТЮМЛАРИ, ШИМ ВА КУЙЛАКЛАРИ, АЕЛЛАРНИНГ КУЙЛАКЛАРИ, БЛУЗКАЛАРИ, ПЛАШЧЛАРИ, ҲАМДА БОЛАЛАРНИНГ ТАЙЁР БУЮМЛАРИ ВА БОШҚА МОЛЛАР МАВЖУД.

Бундан ташқари тўқимачилик моллари магазинлари савдосида шерсть, замонавий гулдор ип-газламалар, чиройлик ва ҳар хил рангли, сидирга бўялган миллий газмоллар, ҳамда кузги-қишки мавсум учун, штапель газламалар бор.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

1. 2. 3—Шота Руставели кўчаси.

7—Беруний майдони.

8—Муқимий кўчаси, 7 «б» сектори.

10, 13, 20, 49, 50—Олой бозори.

12—Навоий кўчаси, 18-уй.

14, 23, 41, 42, 48—Навоий кўчаси, саноат ярмаркаси.

15, 64—Киров кўчаси.

17, 37—Ўзбекистон кўчаси.

21—«Тоҳир ва Зуҳра» ва 19—«Газламалар уйи», 18 ва 22—Октябрь бозорида.

24, 25 —Паркент бозори.

26—С. Раҳимов кўчаси.

27—Шумилов шаҳарчаси.

30—Авиагородок ГҲФ

32, 33—1 Май бозори.

36, 47—Новомосковский кўчаси.

39—4-турар-жой шаҳарчаси. Черёмушки кўчаси. 22-уй.

44, 45, 46, 74—Госпиталь бозори.

54, 57—Луначарский маркази.

55, 56—«Октябрь» ва «XXII-Партсъезд» колхози турар-жой массивлари.

59, 60, 63, 65, 66—Қўйлиқ бозори.

69—Чехов кўчаси.

Колхоз бозорлари территорияларида жойлашган магазинлардан ташқаридаги магазинлар 4, 5, 6, ноябрь байрам олди кунлари эрталаб соат 10 дан кеч 10 гача савдо қилади.



«Таштекстильшвейторг» магазинларига марҳамат қилинг!

Тошкент оқшоми 4 бет. 27 октябрь, 1970 й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, советва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579, НАШР 3142. Р—02927